



Бугунги глобаллашув даврида дунё парламентаризмига нисбатан бўлган талаб ҳам, масъулият ҳам ошиб бораётти. Долзарб муаммоларга ечим топиш, глобал ҳамжihatлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон қадрини юксалтиришга доир сиёсий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш парламентлараро мулоқотнинг асосий вазифасига айланди. Шунингдек, мазкур тамойилларни ҳаётга татбиқ этишнинг янги механизмлари ҳақида фикр алмашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, пойтахтимизда ўз ишини муваффақиятли яқунлаган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси нафақат парламентлараро мулоқот майдони сифатида, балки жаҳон ҳамжамиятини таъминлашга солаётган долзарб масалалар юзасидан янги қараш ва ечимларни илгари суриш, кенг қамровли сиёсий ёндашувларни муҳокама қилиш имконини берувчи муҳим сиёсий воқеалик сифатида тарихда қолиши аниқ. Бошқа томондан, ушбу нуфузли форумнинг юртимизда ўтказилгани, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган очиқ, фаол ва инклюзив парламентаризм ислохотларига бўлган халқаро эътирофнинг ёрқин намунаси.

Ассамблея доирасида бўлиб ўтган муҳокамаalarda Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бир қатор ташаббуслар парламентлараро муносабатларда янги босқични бошлаб беради, дейишимизга асос бор. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида курули тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиялар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бораётгани, бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Аввало, давлатимиз раҳбари, жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид бўлаётганини бир даврда Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини қайд этди.

Қўшни Афғонистон давлатининг халқаро майдонда яққаланиб қолишига йўл қўймастик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатилиши, Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозимлигига эътибор қаратиб, ушбу долзарб мақсадларни амалга оширишда парламентлар кўмагига ишонч билдирди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги таъсирини, улушларини ошириш муҳимлигига ҳам тўхталиб: “Миллий парламентимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. Мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан юрак эътирофи этилиб, Осиё минтақасида сўнги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳолангани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жумладан, Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини оширишга қаратилган резолюцияни БМТ Бош Ассамблеясида илгари суриш ташаббусини билдирди. Бу ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини аниқ институционал мақомга эга жараён сифатида бундан кейин ҳам изчил давом эттириш имкониятини беради.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқларида ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб: “Ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масаладир. Парламентлар учун янги авлодни тарбиялаш, бу борада самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш келажакимизнинг муҳим омилдир. Шу боис миллий парламентлар ҳамда Иттифоқ фаолиятига ёшларни фаол жалб этиб, доимий мулоқотни кучайтириш зарур, деб ўйлайман. Бу борада Парламентлараро Иттифоқ тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан”, дея яна бир янги ташаббусни илгари сурди.

Шу билан бирга, Президентимиз маърузасида илгари сурилган экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши, шунингдек, сунъий интеллект соҳасида этик меъёрларни белгилаш, камбағалликка қарши курашда самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш каби умумбашарий ва ўта долзарб масалаларга оид таклифлар Ассамблея иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Албатта, бугунги таҳликали замонда парламентларнинг халқаро ҳамкорликдаги фаолияти нафақат миллий, балки глобал даражадаги ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентда ўтган Ассамблея нафақат халқаро эътироф, балки глобал сиёсий жараёнларда Ўзбекистон овозининг тобора яққолроқ янграётганидан дарак беради.

ҲАМКОРЛИК, ТИНЧЛИК, БИРДАМЛИК РУҲИ БИЛАН ТАРИХГА КИРГАН АССАМБЛЕЯ

2025 йил 5-9 апрель куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси бўлиб ўтди

Унда мазкур ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар парламентлари, парламентлараро ташкилотдан 2 мингдан зиёд делегат иштирок этди. Ассамблея ишини юзлаб халқаро ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари бевосита кузатиб борди.

Эътироф этиш кераки, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тошкентда парламентлар билан боғлиқ бундай кенг кўламли нуфузли анжуман нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё тарихида илк мартаба минтақамизда ўтказилди.

Деярли бир ҳафта давом этган нуфузли халқаро анжуман парламентлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик ва тинчлик йўлида бирдамлик руҳи билан ёдда қолди.

“Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусига бағишланган тадбирда камбағалликни бартараф этиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий инклюзивликни қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида камситилган гуруҳлар иштирокини ошириш каби масалалар ассамблеяда муҳокама марказида бўлди.

Ассамблея ишидаги муҳим тадбирлар, ялпи мажлисларни Парламентлараро Иттифоқ Президенти Тулия Эксон, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, жорий ассамблея Президенти этиб сайланган Танзила Норбоева бошқариб борди.

Парламентлараро Иттифоқ раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, парламентда аёллар сони жаҳондаги ўртача кўрсаткич (26 фоиз)дан анча юқори эканини эътироф этди. Ассамблея иштирокчилари томонидан Тошкент – парламент дипломатиясининг пойтахтига айлангани қайта-қайта тилга олинди.



БУЮК ДОНИШМАНД, ЕТУК СИЁСIIЙ АРБОБ

“Наҳр ва катта ва кичик ариқ сувларини тақсими аҳолини иттифоқи ва машварати ила бўлсун. (Қайд: ҳозирги рус виروبини тақсими кайфияси аҳолига кўп зарар келтирадур)”. Ҳолбуки, Туркистон тоғларидан бошлаб Орол денгизигача бўлган масофада сувни тўғри сарфлаш бўйича заминимизда асрлар давомида катта тажриба тўпланган ва буни ҳар бир даврнинг донишлари билишган. Қолаверса, бугун сув масаласида исталган минтақада фитнес, жанжал чиқариш мумкинлигини англаб турибмиз. Лекин ўша пайтдаги ахборотсизлик муҳитида мустамлакачи олдига қўйилган бу талабни қандай тафаккурдаги инсон битганлигини бир тасаввур қилиб кўринг.

Бугуннинг гапи ҲАВАСЛАРДА ХАЗОН БЎЛАЁТГАН ЎСМИРЛАР

Вояга етмаганларга транспорт воситасини ижарага бериш – бу хавфли ва масъулиятсиз ҳаракат бўлиб, у жамият хавфсизлигига таҳдид туғдиради. Бу салбий иллатга қарши курашиш учун қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, айти пайтда, фуқаролик масъулиятини ошириш зарур бўлади.



ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТАРИЗМ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Марказий Осиё дунё ҳамжамиятида рақобатбардош меҳнат ресурслари қўпайиб бораётган ва иқтисодий жиҳатдан тезкор ўсаётган минтақа десак, тўғри бўлади. Умумий ўзгаришлар орасида минтақа парламентлари ҳам ўзaro ҳамкорлиқни ишончли ва янги стратегик даражага кўтариш билан боғлиқ йўналишда катта ютуқларга эришмоқда.



Ўзбекистон мезбонлик қилган тадбирнинг негизида ҳам минтақамизда яратилган янги муҳит, янги истиқболларга эришишга қатъий қадамлар қўйлаётган ҳаракатлар натижасидир. Бежиз эмаски, ушбу ассамблея Ватанимиз ва хорижда катта эътибор жалб қилди ва чуқур қизиқиш билан кузатиб борилди.


Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничилик, ишонч муҳитининг яратилиши ҳамда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишда Президентимизнинг кейинги йиллардаги бир қатор нуфузли халқaro анжуманларда илгари сурган ташаббусларининг аҳамияти муҳим ўрин тутди.

Глобал инновациялар, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва янги ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, халқaro тадбир кун тартибидан инсон ҳуқуқи, гендер тенглик, иқлим ўзгариши, ёшлар ва аёллар фаоллиги, тинчлик ва хавфсизлик, БМТ ва парламентларaro ҳамкорлик каби долзарб йўналишлар қамраб олинди.

Хусусан, ҳозирда қарама-қаршилиқ минтақалари бўйича тинчликни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий ба

ёнот ва ташаббуслар муҳокама марказида бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда қонунчилик фаолиятининг янги босқичда ривожланиши мамлакатимизнинг жаҳон ҳуқуқий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларини жадаллаштирмоқда. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, "Қонун устуворлиги индекси", "Жаҳон адолат лойиҳаси" каби нуфузли халқaro рейтингларда мамлакатимизнинг ўрни мунтазам яхшиланиб бормоқда.

Анжуманда давлатимиз раҳбари дунё парламентларига мурожаат билан қатнашди. Унда таҳликали вазиятда дунё парламентларининг долзарб масалалари бўйича бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, минтақавий тинчлик ва хавфсизлик, иқлим ўзгариши, жамиятда хотин-қизлар



мос келиши ҳамда парламентларнинг жаҳон миқёсидаги ролини оширишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ПИ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистоннинг "Дустлик" ордени билан тақдирлангани Ассамблеянинг алоҳида эътиборли томони бўлди. Бу эътироф унинг глобал парламент мулоқотига қўшган ҳиссаси, демократия ривожини ва Ўзбекистоннинг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаганини намоян эътиди.

Ассамблеяда 140 дан ортиқ мамлакат парламентлари вакиллари иштироки, тажриба алмашиши, глобал муаммолар ва янги ташаббусларни муҳокама қилиши Ўзбекистоннинг парламент дипломатияси маркази сифатида тобора юксалиб бораётганини тасдиқлайди.

Ассамблея иши якунланди, аммо унинг сиёсий ва рамзий таъсири, шубҳасиз, узоқ вақт акс-садо беради. Бу шунчаки учрашув эмас, балки парламентлар етакчи роль ўйнайдиган янги халқaro тартибни шакллантириш йўлидаги салмоқли қадам бўлиб, Ўзбекистон яна бир бор ўзини илғор ўзгаришларнинг асосчиси сифатида намоян этди.

Баҳодиржон ҒАНИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
Фарғона давлат университети профессори

Самарқандда бўлиб ўтган халқaro саммитда дунёнинг етакчи давлатларининг раҳбарлари, халқaro ташкилотлар ва экспертлари иштирокида минтақавий ва глобал хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик, транспорт ва энергетика масалалари муҳокама қилинди. Шубҳасиз, мазкур тадбир Ўзбекистоннинг халқaro майдондаги нуфузини оширишда муҳим роль ўйнади ва мамлакат учун янги имкониятлар сари йўл очди.

Саммитда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва иқтисодий модели алоҳида эътироф этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлиқни сақлаш, тинчликпарвар ташаббуслари ва минтақавий хавфсизликка қўшган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга. Минтақавий ҳамкорлиқни кучайтириш ва янги инвестицияларни жалб этиш ма

Пойтахтимизда Парламентларaro иттифоқнинг Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" мавзусидаги 150-юбилей ассамблеяси ўз ишини якунлади. Унда дунёнинг қўллаб-даватлари делегациялари фаол иштирок этди. Халқaro экспертлар фикрича, мазкур нуфузли анжуман айнан Ўзбекистонда ўтказилгани – юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган улкан натижалар эътирофи ҳамдир.

Тадбир якунида сессияларда қўрилаган масалалар, Президентимиз мазкур йигиндаги нутқидан илгари сурган таклифлар юзасидан меҳмон делегатлар фикрлари билан қизиқдик.



Нуман Куртулмуш,
Туркия Буюк миллат мажлиси раиси:

– Ўзбекистон анжуманга мезбонлик қилаётгани ва бу юқори даражадаги тадбир Тошкентдек марказда, халқaro масалаларга оид мавзулар муҳокама этилаётган шаҳарда ўтказилаётганини нўҳоятда муҳим. Ташкилий масалалар мукамал даражада ҳал этилганига гувоҳ бўлиб.

Бугунги кунда дунёдаги энг жиддий муаммолардан бири – одиллик йўқолгани. Яъни, давлатлар ўртасидаги адолатсизлик, урушларнинг гайриинсоний оқибатлари, айниқса, Фаластиндаги Ғазо секторидида 1,5 йилдан буюн давом этаётган зиддият – буларнинг бари дунё тизими таркибидидаги муаммоларни адолатли ҳал қилиш имконияти қамалиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Шунга ўхшаб яна бир мисол: мамлакатларнинг қучайиб бораётган экологик муаммоларини ҳал этишдаги муваффақиятсизлиги ва ночорлиги ҳам инсоният зиммасидаги оғир юк. Турли соҳалар – хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий, хоҳ халқaro тизимда ҳокимият ва ҳукмронликни қўлга олганларнинг адолатсизлиги тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. Шу боис, энди дунёнинг ёлбал адолатсизлик муаммосини биз билган, аввал синовдан ўтган ва тажрибада қўрилган усуллар билан ҳал қилиб бўлмайди. Янгича фикр билдириш, бошқа дунёқарашни кашф этиш, ўзгача таклифларни илгари суриш лозим. Демак, биз бундай халқaro тадбирларга имконият сифатида қараймиз.

Ишончим комил, бу умумий вазият ижобий ечимини топади. Бу борада мазкур ассамблея жуда муҳим платформа вазифасини ўтайди. Барчамиз биргаликда самарали ечимлар излашимиз, дунёга келган инсоннинг ҳуқуқи, суверенитетда давлатлар тенглиги тамойилига асосланган янги дунё тизimini барпо этишимиз шарт.

Константин КАСАЧЕВ,
Россия Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари

– Парламентларaro иттифоқнинг 150-ассамблеяси тарихий аҳамиятга эга. Чунки бу юбилей ассамблеяси. Лекин, барибир, бу энг асосий жиҳат эмас. Асосийси – бу нуфузли анжуман илк бор Ўзбекистонда, Марказий Осиёда ўтказилди. Бу ташкилотчилар учун жуда жиддий синов. Эътиборлиси, ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон бу синовдан катта шараф билан ўтди.

Тахминан 150 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашган бу тадбирда уларнинг қўлчилиги, эҳтимол, биринчи марта Ўзбекистонга келди. Бу ажойиб мамлакат қаерда жойлашганини илгари улар билмаган бўлиши ҳам мумкин. Биз, россияликлар, албатта, Ўзбекистонни яхши билармиз ва яхши кўраимиз. Энди Ўзбекистон ассамблея туфайли, сўнги йилларда ўтказилган қўллаб-қувватлаш халқaro тадбирлар туфайли жаҳон харитасида ўз ўрни борлигини намоян қилди.

Энг муҳими, Ўзбекистон халқaro даражада қарорлар қабул қилинишининг муҳим марказларидан бирига айланди. Конструктив ва келишув асосидаги позицияда чиқиш қилувчи мамлакат сифатида ўзини кўрсатди. Шу билан бирга, у миллий манфаатларини қатъий ва собит туриб ҳимоя қилмоқда.



Тошкент ассамблеяси доирасида амалга оширилган ишлар, қўтарилган ғоялар, қабул қилинган қарорлар кейинги ассамблеягача, балки ундан ҳам узоқроқ муддатгача жаҳон ҳамжамияти манфаати учун хизмат қилади.

Габриэль Гуот АСИЕН,
Жанубий Судан Парламенти аъзоси:



Мазкур ассамблеяда муҳокама этилган масалалар умумий тараққиёт ва хавфсизлик учун беқиёс аҳамиятга эга. Бу жараёнда парламентларнинг фаол иштироки мустаҳкам қонунчилик асосларини яратиш, ёлбал ва минтақавий муаммоларга ечим топиш, давлатлар ўртасида ўзарo ишонч ва ҳамкорликни кучайтиришга кўмаклашади. Ўзбекистон мазкур йигин доирасида илгари суратлаган ташаббуслари билан халқaro ҳамжамиятнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизликка қаратилган саъй-ҳаракатларига муносиб ҳисса қўишига ишонаман.



Ўзбекистон учун янги имкониятлар

Таълим даргоҳларида кенг қамровли тарғибот тадбирлари давом этмоқда



АНДИЖОН. Коррупция тўғрисида кўп гапирилмоқда. Унга қандай муносабатда бўлиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. “Адолат” СДП Улугнор туман кенгаши фаоллари бу борада ўзгача йўл тутдилар.

Тумандаги 21-мактабда сафдошларимиз ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида коррупция иллати ва унга қарши курашиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бордилар. Порахўрлик ва тамагирлик тўғрисида билдирилган фикрлар ёшларнинг бу борадаги билимларини оширди.

Тарғибот мактабдан оилага кўчмоқда. Коррупция салбий иллат эканлигини тушуниб етган ўқувчилар оиласидагиларни ҳам унга қарши курашишга чақирмоқда. Оилада боланинг айтгани эътиборсиз қолмайди. Фарзандидан бу тўғрида эшитган ота-она коррупциядан сақланиш ва унга қарши курашишга қарор қилиши аниқ.

– *Тўғри, мавзу жуда долзарб. Ўқувчилар бирдан буну тушуниб етиши ҳам қийин, – дейди партиянинг Улугнор туман кенгаши раиси Мукаррамхон Қодирова. – Шу сабабли тушунтириш ишлари билан бир қаторда ўқувчилар ўртасида “Коррупциясиз келажақ сари” мавзусида ишловлар танлови ўтказилган. Мақсад – уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва бойитиш. Қувонарлиси, ёшлар бу масалага эътиборсиз эмас. Кимдир коррупция оилада болани соғва эвазига бир юмушини бажаришга ундашган бошланғич деса, кимдир ўқитувчига берилмаган совғалар иллатининг илдизи деб билимқанда.*

Аслида ҳам шундай. Коррупцияни фақат юқоридан, аниқроғи мансабдор шахслар ёки давлат идораларидангина кидириш нотўғри. Унга қарши курашишни куйидан, оиладан бошлаш лозим. Ана шунда соғлом фикрли, жиноятнинг хавф-

атчилиқ назорати, депутатларнинг назорат-таҳлил тадбирлари олиб бориши жуда муҳим эканини алоҳида таъкидлаш керак. “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан “Коррупцияга қарши курашиш” ойлги доирасидаги тадбирларда айна шу механизмлар бўйича тегишли соҳа вакиллари жалб қилган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар иштирокида тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил қилиб келинапти.

Партиянинг Шароф Рашидов туман кенгаши томонидан 6-мактабда “Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш – ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдир!” мавзусида ўтказилган давра суҳбатда туман кенгаши фаоллари, депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирни “Адолат” СДП Шароф Рашидов туман кенгаши раиси Заркумуш Мамасолиева очиб, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказадиган, давлатнинг конституциявий асослари ва қонун устуворлигини заифлаштирадиган, пировардида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келадиган иллат эканлигини таъкидлади. Сўзга чиққанлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисида, коррупцияга қарши фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, коррупцияга қарши курашишда ёшларга берилмаган ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш лозимлигини қайд этишди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

СИРДАРЁ. “Коррупцияга қарши курашиш” ойлги доирасида “Адолат” СДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси Шохсанам Умурзокова Сирдарё вилояти юридик техникуми талабалари иштирокида тарғибот тадбирини ўтказди. Унда асосий эътибор коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик, айниқса, ёш авлоднинг фаол иштирокини таъминлаш,

лат идоралари эмас, балки ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар фаол иштирок этиши кераклиги, таълим муассасаларидаги ёшларни ҳуқуқий ва ахлоқий иммунитетга эга шахслар сифатида тарбиялаш жараёнининг узвий қисми эканига алоҳида урғу берди. Якунда ўқувчилар ўз фикр ва мулоҳазалари, шунингдек, коррупцияга қарши амалий ечимларга оид таклифлари билан ўртоқлашишди.



ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилди.

Жараёнда Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Қобилжон Аҳмаджонов ҳамда юридик техникум директори Жаҳонгир Холбоёвлар иштирок этиб, талабаларга коррупциянинг ҳуқуқий ва ижтимоий оқибатлари, қилиб чиқиш сабаблари, давлат ва жамият учун юзага келтирадиган зарарлари юзасидан атрофлича маълумот беришди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда ҳар бир шахс, асосан келажақда ҳуқуқшунос сифатида фаолият юритадиган ёшларнинг ўрни муҳим эканини алоҳида таъкидлашди.

Қайд этиш жоизки, тадбир чоғида талабаларга коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, унга қарши мurosасиз бўлиш ва ҳар қандай шубҳали ҳолат юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилиш тартиби бўйича амалий тавсиялар берилди. Ҳаётда учраши мумкин бўлган вазиятлар мисолида ҳуқуқий ёндашув ва ечимлар муҳокама қилинди.

САМАРҚАНД. Коррупцияга қарши самарали кураш фақат қонун ва жазо воситасида эмас, балки кенг жамоатчилик, шу билан бирга ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш,



лилигини тушунган келажақ авлод вакиллари бу иллатга йўл бермайди.

Улутнорлик ёшлар тенгдошларига ҳам “Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз!” дея мурожаат билан чиқдилар.

БУХОРО. Когон шаҳридаги 9-мактабда партиянинг шаҳар кенгаши раиси Шохижохон Исамутдинов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти бўлими ҳуқуқшунослари Нодир Қўлдошев, Рустам Ашуров ва Дилшод Бадаловлар иштирокида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Унда коррупциянинг жамият тараққиётига салбий таъсири, шунингдек, унга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳақида атрофлича фикр юритилди. Мутахассислар томонидан бу борада амалдаги қонунчилик, ислохотлар ва халқаро тажриба асосидаги ёндашувлар ҳақида маълумотлар берилди.

Адвокатлар томонидан ёшлар он-гида ҳалоллик, ватанпарварлик ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Тадбир интерактив ружда ўтди, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

ЖИЗЗАХ. Коррупцияга қарши кураш ҳақида гап борар экан, бу борада жамо-

НАМАНГАН. Наманган шаҳри “Маданий маориф” маҳалласидаги 16-мактабда партия шаҳар кенгаши томонидан “Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш – ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдир!” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

“Адолат” СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Мирзаҳаҳмад Олимов олиб борган тадбирда вилоят кенгаши раиси Уринбосари Ёркиной Ҳожиматова, “Мулла Бозор Охунд” жома масжиди имом хатиби Зоҳиджон Нўзмонов, Наманган шаҳар адлия бўлими юридик хизмат юрист-консультанти Самандар Исроилов, шаҳар кенгаши депутати Зафаржон Сапаевлар сўзга чиқиб, жорий йил 5 март куни Президент раҳбарлигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилиши, унда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам мазкур иллатга қарши самарали курашиш бўйича белгиланган устувор вазифалар хусусида фикр билдиришди.

Шундан келиб чиқиб, партия томонидан ўтказилаётган “Коррупцияга қарши курашиш ойлги” мазмун-моҳияти, жараён доирасида таълим ташкилотлари ўқувчи-ёшларни иштирокида ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари орқали ёш авлодда коррупцияга қарши мurosасиз кайфиятни шакллантириш, тамагирлик ҳолатларига дуч келганда, қандай ҳуқуқий таъсир чораларидан фойдаланиш мумкинлиги

фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш орқали амалга ошиши мумкин. Айни шу мақсадда Пастдарғом туманидаги 105-мактаб юқори синф ўқувчилари билан “Адолат” СДП туман кен-

СУРХОНДАРЁ. “Адолат” СДП Бойсун туман Кенгаши томонидан тумандаги “Оби” МФЙдаги 1-мактабда партиянинг “Коррупцияга қарши кураш ойлги” лойиҳаси доирасида “Коррупция – тараққиётга таҳдид” мавзусида тадбир ўтказилди. Айтиш жоизки, таълим соҳасида коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш орқали мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни даврнинг ўзи талаб қилапти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда коррупцияга қарши ҳар бир соҳа, жумладан, таълим тизимида ҳам кескин кураш олиб борилмоқда.

– *Коррупцияни жаҳолатнинг замонавий қўриниши деб таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади, – дейди Бойсун туман ҳокимлиги котибят мудири, тадбир иштирокчиси Урол Муродов. – Маърифатли тангдан инсон ҳеч қачон коррупция ботқоғига яқин бормаيد. Агар бугун коррупцияга нўқта қўйилмас экан, у эртага келажақ авлод онаига ҳам сингади. Бунинг олдини олишда эса зиёли ва маърифатли инсонларнинг ўрни*



гаши “Ёшлар қаноти” раиси Аббосбек Шодмонқулов “Биргаликда коррупцияга қарши курашамиз!” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда коррупциянинг таълим тизими, жамият истиқболига кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида атрофлича фикр юритилди. Қатнашчилар мактаб ёшидаёқ бу иллатга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш, ҳар бир ёш ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини теран англаши муҳим эканини таъкидлашди.

Аббосбек Шодмонқулов коррупцияга қарши курашда фақат дав-

бекиёсдир. Бугунги ишлаб чиқиляётган қонунларимизни амалга ошириш онг ўзаришга, тушунчалар соф бўлишига омил бўлади.

Йиғилиш давомида иштирокчилар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, коррупцияга қарши маърифий тадбирларни кўпайтириш, ёшлар ўртасида ҳалоллик ва қонунбузарликка мurosасиз муносабатни тарғиб қилиш муҳимлигини таъкидлашди.

Партия вилоят кенгашлари матбуот хизматлари билан ҳамкорликда тайёрланди

ҲАМКОРЛИК, ТИНЧЛИК, БИРДАМЛИК РУҲИ БИЛАН ТАРИХГА КИРГАН АССАМБЛЕЯ



Ҳақиқатан ҳам, бу йиғилиш глобал ҳамжамият дуч келаётган муаммолар, зиддиятлар ва низоларни мулоқот орқали ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи муҳим майдон вазифасини ўтади.

Ассамблеяга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, нутқ сўзлагани анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ассамблея якуний сессиясида Танзила Норбоева барча иштирокчиларга чуқур миннатдорлик билдирди. Бу ассамблея нафақат тарихий санани нишонлаш, балки парламентларо ҳамкорликда янги давр бошланишининг рамзий ифодаси эканини таъкидлади.

Якуний сессияда Тулия Эксон, Мартин Чунгонг сўзга чиқиб, ассамблеянинг юқори даражада ўтказилгани, Ўзбекистон томонидан шароит ва ташкилий ишлар юқори даражада ташкил этилганини алоҳида эътироф этди.

Ассамблеянинг энг муҳим воқеаларидан бири – Тошкент декларациясининг қабул қилингани бўлди. Ушбу ҳужжатда халқаро парламентларо ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, тинчлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим принципларга урғу берилди. Декларация дунё парламентлари ўртасида ҳамжиҳатлиқни қучайтириш ва келажақ авлодлар учун барқарор сиёсий муҳит яратиш йўлида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Ассамблея доирасида Доимий қўмиталар резолюциялари, фавқулодда масала бўйича қарор ва умумий муҳокаманинг якуний ҳужжати қабул қилинди. Парламентларо Иттифоқ бошқарув кенгаши ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли яқунлади.

ЎЗА

Муносабат

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР ЙЎЛИ

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг қомил тарбияси ва юрт тараққиётни билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда намоён бўлади. Бу эса мамлакат ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали сиёсат олиб борилмоқда.

Саидахон МАХМУДОВА, Фаргона туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Давлатимиз томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни рағбатлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилапти. Жумладан, Президент мактаблари сони 14 тага етди, 185 та ихтисослашган ва 9 та ижод мактаби ташкил этилди. Улардаги ўқитиш ва баҳолаш тизими 1 минг 500 та умумтаълим мактабида ҳам жорий этилди. Иқтидорли битирувчилар учун “Янги Ўзбекистон” университети очилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон жами аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилиб, иштирокчи муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти саяё-ҳаракати билан ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим олишлари учун имкониятларни янада кенгайтириш, илм-фанни омиллаштириш борасида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтган эди.

Мазкур йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 26 март куни Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди.

Фармонга кўра, “Ёшлар билан мулоқотда билдирилган таклиф ва ташаббуслар асосида, уларни рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан 2025 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Шунингдек, масъулларга икки ой муддатда креатив индустрия паркин, худудларда унинг филиалларини ҳамда уларда креатив соҳа вакилларини ўқитадиган бизнес мактаблар фаолиятини ташкил этиш ҳамда зарур шароит яратиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Киритилаётган янгиликларга кўра, креатив парк иштирокчилари бўлган ёшлар фаолиятлари давомида бир қатор солиқ тўловларидан имтиёзлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва олиб бориш йўналишида субсидиялар, иқтидорли ва кўмакка муҳтож ёшларни тегишли саралаш натижалари асосида нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 100 талик рўяхатида киритилган хорижий олий таълим ташкилотларига бакалаврият таълим йўналиши бўйича белгиланган тартибда ўқишга юбориш, ўқиш ва яшаш харажатларини қоплаб бериш ва бу йўналиш учун тегишли жамғармага 300 миллиард сўм ажратиш белгиланди.

Шунингдек, нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 100 талик рўяхатига киритилган хорижий олий таълим ташкилотларида илмий даража (PhD) ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган 35 ёшгача бўлган мутахассисларга уй-жой сотиб олиш учун уй-жой жойлашган ҳудуддан келиб чиқиб, ўн йил муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 150 бараваригача миқдорда фойзсиз ссуда ажратиш, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида ёшларни илмга қизиқтирувчи, тарбиявий аҳамиятга эга ва умуммиллий кадриятларни шакллантиришга хизмат қилувчи миллий медиаконтентлар яратиш ҳамда энг яхши интеллектуал шоуларни ташкил этиш учун 100 миллион сўмгача грантлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг энг долзарб йўналишларидан бўлиб қолмоқда ва бу ҳолат дунёнинг ривожланган давлатлари имиджининг белгиларидан ҳисобланади. Шундай экан, ёшларимиз мазкур шароит ва имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланишлари жонажон Ўзбекистонимизнинг янада ривожланиши ва келажақдаги мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.



КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗЛИК –

адолат ва фаровонлик кафолати

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция омилларига чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жорий йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида ҳам юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
“Адолат” СДП Миробод туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши аъзоси

Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўқсинлик қиладиган хатарили таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларга ҳам жиддий путур етказиши мумкин. Шу маънода, аср иллатига қарши кураш ҳар бир кишининг, жамиятнинг, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотларининг вазифаси. Ҳеч кимнинг бу курашдан чеккада туришга ҳаққи йўқ. Акс ҳолда, биз ўз илдишимизга ўзимиз болта урган бўламиз. Коррупцияга қарши курашиш “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастуридаги устувор вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда “Адолат” социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолади. Хужжатни имзолашда “Ўзбекистон-2030” стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги фармони, 2025 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, партия Сайловолди дастури, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳамада дастурий ҳужжатлардаги ўзаро муштарак мақсад ва вазифалардан келиб чиқилди. Меморандумга асосан, аҳолининг жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдор-

лик хиссини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, уларнинг шарҳи, қонуннинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларни коррупцияга қарши бегоҳатлик руҳида тарбиялаш борасида ҳамкорлик қилинади. Партиямиз коррупцияга қарши курашиш соҳасида мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳамкорлиكنи қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онли ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этади, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизimini жорий этиш юзасидан тактифлар ишлаб чиқади, жамиятда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтиради, вазирлик ва идораларда, таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш йўналишида давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари иштирокидаги учрашувлар, муҳокамалар ва семинарлар ташкил қилади. Партиянинг барча даражадаги депутатлик гуруҳлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид мавжуд қонунчилиكنи таҳлил қилиб боради, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида давлат раҳбари

томонидан қўйилаётган талаблар даражасида ишлаб чиқилишида иштирок этади. Қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича сўровлар, акциялар, конкурслар ташкил этади. Таълим муассасаларида, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида “Адолат посбонлари” гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйди. Партия Сайловолди дастурида коррупцияга қарши илгари сурилган гоғларни амалга ошириш, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид ҳаракатларга Агентлик мутахассисларини тақлиф этади. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини оширишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашга қаратилган медиа тадбирларини ташкиллашти-ради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги эса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзига белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади, шу жумладан, томонларнинг келишувига асосан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилади. “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларида коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларини белгиллаш бўйича тегишли тактифларни ҳамкорликда ишлаб чиқади. Партияга коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро стандартларни жорий этиш ва самарали фаолият қўрсатишини ташкиллаштиришда қўмаклашади. Партия ходимларини Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш йўналиши доирасида ташкил этиладиган тарғибот ва профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари, хорижий мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, муҳокамалар ва семинарларга тактиф этади. Коррупцияга оид жиноятлар рўйхатини шакллантириш ва бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнларига партиянинг тажрибали фаолларини жалб қилади. Аҳолида коррупцияга қарши муросасизлиكنи шакллантиришда партия тузилмалари имкониётларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни электрон тарғи-

бот-ташвиқот воситалари билан таъминлайди. Коррупцияга қарши курашиш йўналиши доирасида партия томонидан ўтказиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Агентлик ходимлари иштирокини таъминлайди.

Бунинг амалий исботи ўларок, “Адолат” СДП томонидан апрель ойи “Коррупцияга қарши курашиш” ойлиги сифатида белгиланган. Мазкур ойлик доирасида партия ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳудудий ва маҳаллий тузилмалари томонидан аҳоли вакиллари иштирокида “Аҳолининг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини ошириш – қонун устуворлиги гарови” мавзусида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, “Адолат” СДП Миробод тумани кенгаши томонидан эзгу мақсадлар йўлида ўтказилаётган давра суҳбатларининг галдаги манзили Миробод туманидаги “Оқ уй” маҳалласи бўлди. Унда таъкидланганидек, коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб боришда нафақат давлат органлари, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши шарт. Ушбу эзгу мақсад йўлида бирлашсак, адолат қарор топишига, жамият тараққиёти ва тинч-осуда, фаровон ҳаётни таъминлашга муносиб ҳисса қўшамиз. Зеро, коррупцияга қарши курашиш — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омилли. Шундай экан, мазкур иллатга муросасиз бўлиш ва коррупцияга қарши курашишда барчамиз бирдек масъулмиз.

“Адолат” СДП томонидан бир ой давомида пойтахт маҳаллаларида давра суҳбатлари ва учрашувларни юқори савияда, турли соҳалар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Мулоқотлар пайтида фуқароларга кундалик ҳаёти давомида коррупциянинг у ёки бу кўринишлари, таъмагирлик ҳолатларига дуч келганда қандай ҳуқуқий механизм ёки таъсир чораларини қўллаш мумкинлиги ҳақида тушунчалар берил-ёттир. Коррупция, жамиятда адолатсиз-лик, тенгсизлик ва аҳолининг норозили-гига олиб келиши, бу эса барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмаслиги мисоллар ёрда-мида очиб берилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмас-лиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила ол-маслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишига олиб келади. Коррупция-нинг олдини олиш, содир бўлаётган ай-рим ҳолатларга қарши курашиш дав-латнинг, жамиятнинг муҳим мақсадига айланди. Чунки бу иллат бор жойда ри-вожланиш бўлмаслиги кўндый равшан. Шунинг учун коррупциядан холи қонун устуворлиги таъминланган ҳуқуқий де-мократик давлат барпо этишга ҳар би-римиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз ло-зим. Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, де-мократик жамият ва давлатнинг муқад-дас бурчидир.

Давлатимиз раҳбари ҳам корруп-цияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда коррупцияга қарши курашишнинг қанчаллик аҳа-миятли эканини далиллар билан қўрса-тиб берди. Бу борада бажарилиши за-рур бўлган вазифалар белгиланди. Ай-тиб ўтиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар нати-жасида кейинги йилларда Ўзбекис-тоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. Лекин бу бора-даги ишларни янада яхшилаш учун ай-рим муаммоларни бартараф этиш зарур. Ўзбекистон “Адолат” СДП та-шаббуси билан “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида партия-нинг барча ҳудудий кенгашлари томо-нидан кенг қўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ташаб-бусни қўллаб-қувватлаган партия фаол-лари ва депутатлар жойларда тадбир-лар, учрашувлар ўтказиб, коррупция иллатига қарши курашишнинг янада кучайтириш ва уни жамият ҳаётидан бата-мом бартараф этиш бўйича ўз фикр ва тактифларини билдиришмоқда.

Ҳуқуқий саводхонлик

Болажон халқмиз. Фарзандлари учун керак бўлса жонини беришга тайёр, умрининг охиригача уларнинг қувончи, ғам-таъвиши билан яшайдиган миллатмиз. Балки шу учундир ҳар бир ота-она фарзандлари бахти, камолини кўришни орзу қилади. Қўллар дуога очилганда, фарзандлар роҳатини кўрайлик, деб ният қилинади. Бошқа бир тарафдан олиб қаралса, соғлом, билимли, эркин фикрлайдиган авлод юрт истиқболини белгилайди.

БОЛАЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ

ҳар биримизга дахлдор масала

Охунжон САБУРОВ,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети талабаси

Лекин болалик инсон ҳаётининг энг нозик, энг таъсирчан пал-ласи. Бу даврда олинган таъсир, ҳис-туйғулар инсоннинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳ бўлади. Шу сабабли болаларга нисбатан жисмоний, психологик ёки ҳуқуқий зўравонлик на-фақат уларнинг бугунига, балки эртанги кунига ҳам таъсир қи-лади. Психологлар фикрига кўра, бола бугунги ҳис-туйғулари, ён-атрофдагиларнинг ўзига бўлган муносабати, ҳимоя қилина-ётган ёки аксинча — топталаётган ҳуқуқларини бутун умри даво-мида эслаб қолар экан.

Шундан келиб чиқиб, дунё давлатлари ва халқаро ҳамжамият болаларнинг тинч, бахтли ва хавфсиз ҳаёт кечиришига алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда бу йўна-лишда ўнлаб қонунлар қабул қилинган, конвенциялар имзолан-ган, механизмлар ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда ҳам бу бо-радаги аҳамиятли қонун ҳамда механизмлар ижроси қатъий на-зорат қилинади. Халқаро ташаббус ва конвенцияларда фаол иштирокчи бўлиб, қўллаб-қувватлайди.

Бойси, ҳар қандай жамиятда болалар ҳақ-ҳуқуқларини кафо-латлаш ва амалда ижрога самарали йўналтириш нафақат ин-сонпарварлик нуқтаи назаридан, балки унинг маънавий ва мада-ний даражасининг кўзгуси ҳисобланади. Бундай дейишимизга са-баб — бугунги кунда бутун дунё бўйлаб миллионлаб болалар турли кўринишда зўравонликка дучор бўляпти. Бу ҳолат фақат камбағал ёки ижтимоий ночор оилаларда эмас, балки эътиборсизлик ва лоқайд-лик ҳукм сурган нуқталарда ҳам учрамоқда. Ачинарлиси, болаларга нисбатан қилинган зўравонлик кўпинча яширин қолади. Чунки улар бу ҳақда гапиришдан қўрақди ёки қаршилик қўрсатишни билмайди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистонда устувор йўналишлардан бирига айланиб, сўнгги йилларда бу соҳада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамла-катимизда болалар манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, халқаро стандартларга мос механизмлар жорий этилмоқда.

Хусусан, Конституциямизнинг 77-моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрини босувчи шахслар фарзандларини вояга ет-тунига қадар боқиб, таълим-тарбия бериши, уларнинг соғлом, ҳар томонлама камол топиши учун масъулдир”, деб қатъий белгиланиши бу борадаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Илгари болалар ҳуқуқлари умумий қондалар орқали тартибга со-линар эди, энди эса уларнинг ҳар бир жиҳати алоҳида-алоҳида ҳуқуқий кафолатга эга бўлди. Бу нафақат қонунчилиқдаги ўзга-риш, балки давлатнинг болаларга бўлган ғамхўрлик сиёсатидаги янги босқичдир.

Бундан ташқари, 2019 йилда Президент қарори билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти — Болалар омбудсмани таш-кил этилди. Бугунги кунда ушбу институт болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш ва жамоат-чилик билан ҳамкорликда амалий чоралар кўришда муҳим роль ўйнамоқда. 2024 йилда қабул қилинган “Болалар омбудсмани тўғрисида”ги қонун эса ушбу институтнинг ваколатларини янада аниқ белгилаб, унинг таъсирчанлигини оширди.

Шунингдек, болаларга нисбатан зўравонлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болаларни ҳимоя қилиш механизмлари кучайтирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим му-ассасалари ва жамоат ташкилотлари ўртасида самарали ҳам-корлик йўлга қўйилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир жамият ўз келажагини бо-лаларнинг тарбияси ва таълимига қараб белгилайди. Бола-ларга ғамхўрлик — бу келахакка ғамхўрлик. Болаларни ҳимоя қилиш фақат давлат ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг вазифаси эмас. Бу — ота-оналар, ўқитувчилар, қўшилар, дўст-лар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъулиятидир. Биз, ҳақиқа-тан ҳам, кучли ва адолатли жамият қуришни истасак, бола-ларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик, бефарқлик ва ҳуқуқбу-зарликка йўл қўймаслигимиз шарт. Зеро, ҳар бир бола ҳумат, меҳр ва ҳимояга лойиқ. Улар бизнинг эртამиз. Улар ҳимоя қи-линса — келажагимиз ҳам ҳимояланган бўлади.

эшиқлари қайта очилди.

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ўт-казилган уч томонлама дўстлик учрашуви миллионлаб кишиларнинг қалбига шод-лик улашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Респу-бликаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Сади-р Жапаров билан уч томонлама учрашувда иштирок этди. Ўзбекистон, Тожикис-тон ва Қирғизистон даваат чегаралари-нинг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч даваат раҳ-барларининг Қўшма декарацияси қабул қиланди.

Бу тарихий воқеа мамлакатимиз бўйлаб байрамона руҳда нишонланди. Наманган вилоятининг Қирғиз ва Тожикистон рес-публикалари чегара ҳудудларида дўстлик, қардошлиқни улуғовчи тадбирлари бў-либ ўтди. Унда ўнлаб миллат вакиллари биргаликда дўстлик ва тинчлиқни маҳ-этувчи қўшиқлар айтишди, миллий ли-бослар кўرғазмаси, спорт ўйинларида



куч синашдилар. Бир дастурхон атро-фида ўтириб, баҳорий таомларни баҳам кўришди. Кексалар дуога қўл очиб, юртга тинчлик, қалбларга хотиржамлик тилади-лар, халқлар ўртасидаги дўстлик абадий бўлишини сўрадилар.

Уч давлат раҳбарлари учрашган ман-зида барпо этилган. Дўстлик тинчсоли виқор билан асрлар оша ўзига чорлаб турсин ва бу манзили халқлар учрашади-ган қардошлик ва қариндошлик манзи-лига айланган қолсин.

Қариндошимиз, Қариндошимиз...

Дилдаги гап

Марказий Осиё халқлари қадимдан бир оила фарзандидай аҳил-иноқ бўлиб яшаган. Ҳосилдор ери, шифобахш суви, виқорли тоғла-рию кўркам боғларини бирдай эъзозлаган. Қувончли кунларда соғлан-ган, қайғули кунларда ҳамдард бўлган. Ёвга қарши биргаликда кураш-ган, биргаликда ижод қилган, илм-фан ривожига учун ҳисса қўшган.

Ғуломжон ҲАМДАМОВ,
халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши
депутати

Афсуски, ана шу аҳиликка бир му-дат путур етди. Ўртадан меҳр кўтари-либ, ҳар бир даваат ўз йўлдан кетишни, ер таллашиб, сув таллашиб, чегара таллашиб, қардошлик ва қариндошлиқнинг олтин занжирларини узиб, бир-бирига ёвқараш қила бошлади. Бу ҳол оддий одамлар қал-бига изтироб соади. Чунки улар ватани-дан, қариндошидан, ака-укасида, ота-онасидан узоқлашиб қолди. Тўй-маърака-сига бора олмади...

Хайриятки, давлатимиз раҳбари бу хатоларни тузатиш, жабуру жафоларга барҳам бериш учун кўксини қалқон қилди. Ён-атрофдаги қирғиз, қозок, тожик, туркман ва афғон халқлари, уларнинг йўлбошчилари билан дўст-лик, биродарлик алоқаларини ўрнатди. Пироварда натижада орадаги мавҳум совуқчилик ўрнини илиқлик эгаллади. Қўшничилик, қардошлик, қариндошлик риштадари тикланиб, меҳр-муҳаббат



ХАВАСЛАРДА

ХАЗОН БЎЛАЁТГАН ЎСМИРЛАР

Вояга етмаганларга автомобиль ижарага бериш: хавфли тенденция ва ҳуқуқий бўшлиқлар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш шарт

Бугунги кунда Ўзбекистонда автомобиль ижараси бозорининг жадал ривожланаётгани кувонарли ҳол. Бу хизматлар иктисодиётга ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, фуқаролар учун қулайлик яратмоқда. Аммо, афсуски, ушбу йўналишда баъзи назоратсиз фаолиятлар ва қонунчиликдаги бўшлиқлар боис салбий ҳолатлар ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, гоҳо вояга етмаган, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган шахсларга ҳам пул эвазига автомобиль ижарага берилмоқда. Бу эса кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларига, ҳатто инсон ҳаётига хавф тугдираётган фожиаларга сабаб бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда тарқалган сўнгги машъум хабарга кўра, бундай автохалокат Наманган шаҳрида яшовчи 9-синф ўқувчилари иштирокида содир бўлган.

**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

Бу каби фожеаларнинг илдизи қарерда? Ҳаммамизга маълум, сўнгги йилларда ёшлар орасида мустақил ҳаракатланиш, транспорт воситасига эгалик қилиш истаги ортиб бормоқда. Бу орзуну амалга ошириш йўлида кўплар ижарага автомобиль олиш йўлини танламоқда. Аммо ижарачиларнинг аксариятни вояга етмаганлар, ҳатто баъзида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ шахслардан иборат бўлаётгани – қонунбузарликдан ташқари, бевосита хавфли ва фожеали ҳолатлар юзга келмоқда. Бунга сабаб бўлаётган омилларга тўхталиб ўтсак. Булар – автомобиль ижараси билан шуғулланувчи шахс ва корхоналарнинг даромад ортидан қувиб, мижознинг ёши ва ҳуқуқий мақоми текширмаслиги, онлайн хизматларнинг кенгайгани сабабли назорат ме-

ханизмларининг заифлашуви. Яна ҳам ачинарлиси, вояга етмаганларнинг ижтимоий тармоқларда нотўғри тарғиботга берилиши, ижара хизматларига доир қонунчиликда аниқ чекловларнинг йўқлиги ёки уларнинг суст қўлланилишидир. Шунинг унутмаслигимиз керакки, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилик кўникмаси ва гувоҳномаси бўлмаган шахс бошқарган транспорт воситаси юқори хавф матбаидир. Бундан ташқари, ижарага олинган машиналардан жиноят содир этишда фойдаланилиши мумкин. Сугурта ва ҳуқуқий масъулият билан боғлиқ муаммолардан яна бири – ижарачи томонидан зарар етказилганда на ижара берувчи, на сугурта компаниялари жавобгарлиқни бўйнига олади. Ижтимоий ахлоқ ва жа-

моатчилик хавфсизлигига салбий таъсири ҳақида тўхталадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг жазосиз қолиши, ижтимоий муҳитда ҳуқуқий онгсизликни кучайтиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи фақат ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд шахсларга берилиши белгиланган. Бироқ автомобиль ижараси фаолиятида бу муаммо алоҳида ва батафсил тартибга солинмаган. **Натижада:** - автомобилни ижарага беришда ижтимоий шахсий маълумотларини текшириш мажбурий эмас; - ижарачининг ёши ёки гувоҳномага эга эмаслиги учун жазони белгилловчи аниқ норма йўқ; - хусусий ижара фирмалари устидан назорат механизмлари жуда суст.

Юзга келган хавфли ҳолатларни бартараф этиш ва вояга етмаганларга автомобиль берилишининг олдини олиш учун қуйидаги чоралар зарур, деб ўйлаймиз. Бу борада қонунчиликни такомиллаштириш, "Транспорт воситалари ижараси тўғрисида" алоҳида қонун қабул қилиниши, унда ижарачи ва ижара берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши зарур. Шунинг-

Автомобиль ижараси соҳасининг назоратсиз ривожланиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Вояга етмаганларга транспорт воситасини ижарага бериш – бу хавфли ва масъулиятсиз ҳаракат бўлиб, у жамият хавфсизлигига таҳдид тугдиради. Бу салбий иллатга қарши курашиш учун қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, айтиш пайтда, фуқаролик масъулиятини ошириш зарур бўлади.

дек, автомобилни фақат 21 ёшдан катта ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга шахсларга ижарага беришга доир мажбурий норма киритилиши лозим. Бундай талабни бузганлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланиши шарт.

Яна бир муҳим тақдиримиз: **электрон мониторинг тизимини жорий этиш зарур. Шунда ҳар бир ижара ҳолатини ягона давлат тизимига онлайн киритиш ва шахсий маълумотларни автоматик текшириш орқали ноқонуний ижараларнинг олди олинад.** Бу борада ижтимоий реклама ва проплакатика ишларини кучайтириш зарур. Ёшлар орасида йўл ҳаракати маданияти, ҳайдовчилик масъулияти ҳақида мунтазам тушултириш ишларини олиб бориш лозим. Ижара фирмалари ёмғирдан сўнг чиққан кўзқорин каби кўпайиб бораётган бир даврда уларнинг фаолиятини лицензиялашни жорий этиш керак. Ҳар бир ижарага машина берувчи субъект, хоҳ у юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, рухсатнома асосида фаолият юритиши зарур. Лицензия олишда хавфсизлик ва жавобгарлик талабларига қатъий амал қилинсагина автохалокатларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

ИБРАТ

Нью-Йоркдаги метролардан бирида, гижжакчи (скрипкачи) ўз созида 45 дақиқа давомида куй қалади. Бир-икки қарсақдан ташқари, у бор-йўғи 25-30 доллар чой-чақа тўплайди. Аслида бу скрипкачи дунёдаги энг яхши музикачилардан бири саналган Жошуа Белл эди.

Метрода Жошуа гижжак (скрипка) учун ёзилган 3,5 миллион долларлик энг мураккаб асарлардан бирини ижро этади. Метрода гижжак чалишидан икки кун олдин Жошуа Белл Бостон театрида чиқиш қилади ва ҳар бир ўриндиқлар учун чипта нархи ўртача 100 доллар атрофида бўлади...


Таққикот шуни кўрсатдики, гайриоддий нарсаси оддий муҳитда порламайди ва кўпичча эътибордан четда қолади ва ҳатто паст баҳоланади.



Сен мукамал бўлишиш мумкин, лекин агар сенга муносиб баҳо беришмаса, хотиржамликни йўқотма ва ўзингга тегишли бўлган тарафга, истиснонинг қадранадиган, керакли бўлидиган жойга ҳаракатланишда давом эт!

Саховат – беназир қадрият

"МЕҲРИБОНЛИК УЙИ"ДА БАЙРАМ



Чилонзор тумани ҳокимлиги ташаббуси билан болалар қалбига қувонч олиб кириш, ҳаётига ранг-баранглик қўиши, уларни қўллаб-қувватлаш ва меҳр-муҳаббат кўрсатиш мақсадида А.Хлебущкина номидаги 22-сонли "Меҳрибонлик уйи" нинг бир гуруҳ тарбияланувчиларининг хатна тўйи ўтказилди.

"Меҳрибонлик уйи" байрамона руҳ олди. Бу ерда яшаб, таълим олаётган болаларнинг барчасининг қалбига қувонч юзларида акс этди. Дастурхонлар турли баҳорий ноз-неъматлар билан безатилди. Меҳмонлар билан бир дастурхон атрофида ўтирган ўғил-қизлар байрамнинг янада эсда қоларли бўлиб ўтишида ўз ҳиссаларини қўишди: улар ўзларининг куй-қўишлари, жозибдор рақслари билан даврага файз бағишладилар.

Тадбирда "Адолат" СДП Чилонзор туман кенгаши раиси Бахтиёр Раҳимов ва туман кенгаши депутаты Алишер Ҳусайнов иштирок этиб, 122 нафар тарбияланувчига совға-саломлар, жумладан, спорт жиҳозлари, китоблар ва ўйинчоқлар ҳадя қилишди. Хатна тўйи ўтказилаётган болалар



ўзларига велосипедлар совға қилинганида қувончларини яшира олмадилар.

Болаларнинг хурсандчилиги ва юзларидаги табассум тадбир иштирокчиларининг қалбига қувонч бўлиб қолди. Кемтик бўлишларга қувонч бахш этиш каби савобдан кўҳраманд кўнглиди. Улар хатна тўйи ўтказилаётган болажонларни қутлар эканлар, давлатимизнинг барча саъй-ҳаракати уларнинг соғлом бўлиши ва бахтли келажаги учун қаратилганлигини, шунингдек, улар ҳам аъло ўқиши, чуқур билим олиши ва турли касб эгалари бўлиб етишиб, муносиб фарзандлар сифатида Ватанга муносиб бўлишларини таъкидлашди. Ўз навбатида, ушбу масканда камол топаётган ўғил-қизлар ҳам уларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликка юрт хизматига камарбаста инсонлар бўлиб етишиш билан жавоб беришларини айтишди.

Ўз муҳбиримиз

ADOLAT

Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиқов



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани "Шарк тоғи" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 402

Адади – 2 008
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарк" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.